

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ЭВАКУАЦИИ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Набиев Акрамжон Ботиржонович

НамДУ доц

Ходжаев Абдугани Атамираевич

Наманган вилояти ФВБ ХФХУМ катта уқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7255200>

Аннотация. Бугунги кунга келиб жаҳонда содир бўлаётган воқеалар ҳамда кенг кўламли фавқулодда вазиятлар содир бўлиши хавфининг ортиб бориши аҳолини муҳофаза қилиши.

Калим сўзлар: Радиоактив заҳарлангиши, Ер қимирлаш (зилзила), Кимёвий заҳарланиши.

ОРГАНИЗАЦИЯ ЭВАКУАЦИОННЫХ МЕРОПРИЯТИЙ В ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЯХ

Аннотация. Сегодняшние события в мире и растущий риск возникновения масштабных чрезвычайных ситуаций – это защита населения.

Ключевые слова: радиоактивное отравление, землетрясение (землетрясение), химическое отравление.

ORGANIZING EVACUATION EVENTS IN EMERGENCY SITUATIONS

Abstract. Today's events in the world and the increasing risk of large-scale emergencies are the protection of the population.

Keywords: Radioactive poisoning, Earthquake, Chemical poisoning.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятили фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш” ва “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 26 августдаги 515-сонли қарорига мувофиқ, Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими томонидан эвакуация (кўчириш) тадбирларини ташкил этиш белгиланган.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганда ва содир бўлганда зудлик билан кўчириш масалалари муҳим ахамият қасб этади. Бу жуда мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиласидан жараён бўлиб, уни ўтказиш олдиндан мукаммал тайёргарлик кўришни талаб этади. Аҳолини кўчириш тадбирларининг самарали бўлиши жуда кўп омилларга боғлиқ:

кўчириш органлари раҳбариятини, шахсий таркибини, аҳолини олдиндан тайёрлаш;

хабар бериш, алоқа ва ахборот тизимини мавжудлиги ва самарадорлигини таъминлаш;

кўчириш тадбирларини изчиллик билан режалаштириш, бу тадбирларда маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олиш;

барча таъминот тадбирларини ҳар томонлама мукаммал ишлаб чиқиш, кўчирилаётган аҳолининг ҳаёт фаолиятини таъминлаш.

Шунинг учун ҳам, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан республика ФВДТга кирувчи барча вазирлик ва идораларнинг раҳбарлар таркиби ва мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда аҳоли билан кўчириш бўйича амалий ўкув машқлари мунтазам ўtkазиб борилмоқда. Ушбу ўкув машғулотларида юзлаб, айрим ҳолларда минглаб аҳоли қатлами иштирок этмоқда ва бу борадаги кўникмалари ошмоқда.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Кўчириш жараёнлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аҳолини ўз вақтида огоҳ этиш, кўчириш тадбирларини режалаштиришда маҳалий шарт-шароитларни инобатга олиш, кўчирилганларнинг ҳаёт фаолиятини таъминлашни режалаштиришда айрим камчиликларга йўл қўйилмоқа. Оқибатда, кўчириш тадбирларини уюшқоқлик билан амалга ошириш, айиниқса кўчирилганларнинг ҳавфсизлигини таъминлашда муаммоларга дуч келинмоқда.

Аҳолини кўчириш тадбирлари давомида аҳолига ахборот ва йўл-йўриқлар бериб туришнинг алоҳида аҳамияти бор. Шу мақсадда, оммавий электрон ахборот воситаларидан, транспорт воситаларига ўрнатилган кўча радиокарнайларидан, бошқа турдаги хабар бериш жиҳозларидан фойдаланиш лозим бўлади. Ҳар қандай ҳолларда ҳам аҳолини кўчириш мураккаб вазифа ҳисобланади. Уни муваффақиятли ўtkазиш аҳолини кўчириш ташкилотларини хабарлаш ва алоқа тизимларини олдиндан тайёрлаш, куч ва воситаларни маҳаллий шароит ва хусусиятларни ҳисобга олиб, олдиндан режалаштириш, аҳолини кўчиришни таъминлаш ҳамма тадбирларини яхшилаб ўрганиб чиқиш билан белгиланади.

Бу вазифаларнинг ҳаммаси тегишли ижроия ҳокимият идоралари, ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари, аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятдан муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига кирадиган ташкилотлар зиммасига, шунингдек фавқулодда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари) зиммасига юклатилган.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимидағи тартибга кўра, ишчилар, хизматчилар ва аҳолини кўчириш режалаштирилаётган худудларда Кўчириш комиссиялари ташкил этилади. Худудий кўчириш комиссиялари таркиби тегишли маъмурият раҳбарлари қарори билан ўша маъмурий-худудий бўлинмаларнинг масъул ходимлари тайинланиши белгиланган. Лекин ўкув машғулотлари давомида мазкур комиссиянинг иши кўринмайди ва якуний хуносада уларга баҳо берилмайди.

Фавқулодда вазият зоналаридан кўчириладиган аҳолини хавфсиз жойларда бевосита қабул қилиш, жойлаштириш ва таъминлаш режасини ишлаб чиқиш ва буларни ташкил этиш учун кўчирилганларни қабул қилиш комиссиялари тузилади. Уларнинг режалари ҳам таҳлил қилинмайди ва якунда баҳо берилмайди.

МУХОКАМА

Ҳар бир алоҳида фавқулодда вазиятда аҳолини кўчиришнинг ўзига хос хусусиятлари бўлади.

Ер қимирлаганда (зилзилада):

Аҳолини кўчириш маҳаллий, ёхуд минтақавий тусда бўлиши мумкин. Кўчиришни ўtkазиш муддатлари йўл-транспорт имкониятларига қараб белгиланади. Кўчириш

шикастланган жойларда күчириладиганларни йиғишиң жойи йўлга қўйиб, бир босқичда ўтказилади ва ҳудудий асосда амалга оширилади.

Радиоактив заҳарлангандан:

Кўчириш ёки маҳаллий, ёхуд миңтақавий бўлиб, алоҳида (болалар уйи, тиббиёт муассасалари, интернатлар ва ҳ.к. дан ташқари) обьектларда ҳудудий асосда амалга ошириади. Аҳолини кўчириш 2 босқичда ўтказилади: I - транспортга чиқариш жойидан кўчиш оралиқ жойларигача, II - кўчиш оралиқ жойларидан режадаги жойлаштириш жойларигача. Кўчиш оралиқ жойларида “тоза” транспортга ўтказилади.

Кимёвий заҳарланишда:

Бевосита кимёвий хавфли обьектлар яқинида яшаб турган аҳоли вақт етишмаслиги сабабли, одатда, хавфли ҳудуддан олиб чиқилмай, балки жисп ёпиладиган панажой ва хоналарга шахсий муҳофаза қилиш воситаларидан фойдаланиб яширинади. Аҳолининг қолган қисми реал юзага келаётган шароитга қараб, энг қисқа муддатларда асосан пиёда тартибда кўчирилади.

Сел келиши хавфи бор жойлардан аҳолини кўчириш:

Бундай кўчириш сел оқими юзага келиш хавфи туғилганда, сел оқими юзага келаётган даврда, алоҳида ҳолларда эса сел оқимининг таъсири тугаганда ҳам ўтказилиши мумкин. Аҳолини кўчириш олдиндан ўтказилгани маъқул. Сел оқими юзага келаётганда эса шошилинч (кечиктириб бўлмайдиган) аҳолини кўчириш тадбирлари ўтказилади.

Кўчки хавфи бор жойлардан аҳолини кўчириш

Бундай кўчиришлар қор кўчиш хавфи туғилганда, шунингдек қор кўчки тушиб бўлгандан кейин (турмуш кечиришни таъминлаш обьектлари бузилганда) ўтказилади (Камчиқ довони). Кўчириш ҳудудий асосда, бир босқичда ўтказилади, чекланган характерда бўлади ҳамда олдиндан ўтказиладиган, бунинг иложи бўлмаганда эса шошилинч бўлиши керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, Сардоба сув омбори дамбаси ёрилганда аҳолини кўчириш уюшқоқлик билан ўтказилишига қарамай, кўплаб чорва моллари ва уй паррандаларининг нобуд бўлишига йўл қўйилди. Оқибатда минглаб жониворлар мурдаси ҳудуднинг санитар-эпимедиологик вазиятининг жиддий ёмонлашувига олиб келди. Бунинг асосий сабаби, кўчаётган аҳоли томонидан чорва молларини арқондан ечиш, оғилхонадан чиқариб юбориш ва паррандаларни катақдан чиқариш ишларини бажармаганликлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, тағибот ишларини амалга ошираётганимизда ушбу масалани аҳолига етказишни ёддан чиқармаслигимиз лозим бўлади.

ХУЛОСА

Хулоса тариқасида шуни қайд этиш мумкинки, турли фавқулодда вазиятларда аҳолини кўчиришни режалаштириш ва тайёрлаш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Аҳолини кўчирилган жойларига қайтиб келишлари ва уларни фвқулодда вазиятлардан кейин ўз жойларига жойлаштириш масалаларини назардан четда қолдирмаслик зарур.

Шундай қилиб, кўчириш тадбирлари олдиндан мукаммал режалаштирилиб, тайёрланиб ва аҳолига ўз вақтида батафсил етказилса самара юқори бўлишларига эришилади.

REFERENCES

1. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар тўплами). 1 том. 9-10 б.
2. Нигматов И., Тожиев М. „Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси”. Дарслик – Т.:Иқтисод-Молия, 2011. 24-26 б.
3. Ф.А.Абидова, А.Б.Абидов. “Кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларнинг хусусиятлари”. ЎзР ФВВ ФМИ – 2013. 4-7 б.
4. Р.С.Собиров. “Кучли таъсир этувчи заҳарли ва радиоактив обьектлардаги ўзига ҳос ёнғинларни ўчириш”, услубий қўлланма. ЎзР ФВВ ФМИ – 2017. 15-18 б.
5. Турагалов Т.Ж., Илёсова З.Ф. Фавқулодда вазиятлар. (кисқача русча-ўзбекча энциклопедик изоҳли луғат). – Т.,ФМИ, 2016. 123 бет.
6. Шарипов А.Х. “Кимёвий хавфли обьектда ва темир йўл транспортида кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларни сақлаш”, услубий қўлланма. Тошкент темир йўл мухандислари институти, 2010. 13-15 б.
7. А.Б.Набиев. Аҳолини ва ҳудудларни муҳофазалаш ва заҳарли моддалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни чора-тадбирлари 2022. 110-113 б.